



“ЖОМЕЪ АС-СУНАН”НИНГ ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКЧА ШАРҲИ

М. Исмоилов, Ҳ. Аминов, Ҳ. Абиев, Б. Абдуллаев

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходимлари

Мақолада буюк муҳаддис Имом Термизийнинг “Жомеъ ас-Сунан” номли тўпламининг ўзбек тилида нашр этилаётган ўн жилдлик илмий-изоҳли таржима ва шарҳининг дастлабки жилдлари ҳақида маълумот берилган. намуна тарзида асарнинг бир боби ҳадисларига шарҳлар ҳам илова қилинган.

Калит сўзлар: *Имом Термизий, “Жомеъ ас-Сунан”, илмий-изоҳли таржима ва шарҳ, ҳадис, муҳаддис, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази.*

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (209-279 ҳ./824-892 м.) қадим Термиздан етишиб-чиккан бутун дунёга машҳур муҳаддислардан биридир. У зотнинг “Сунан ат-Термизий” номи билан танилган “Жомеъ ас-Сунан” асари бутун дунёга машҳур. Мазкур асар дунёнинг бир қатор тилларига тўла таржима қилинган. Бутун дунё олимлари уни тинмай тадқиқ қилиб келмоқдалар, у бўйича диссертациялар ёзмоқдалар.

Мазкур “Сунан ат-Термизий” асарининг сайланма шаклидаги таржималари, шунингдек, унинг 1-жилдининг изоҳли таржимаси ўзбек тилида ҳам эълон қилинган. Бироқ, буюк аллома ва муҳаддис бобокалонимизнинг мазкур шоҳ асари тўлиқ равишда ўзбек тилига таржима қилинган эмас. Гарчи Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан Абу Исо ат-Термизий илмий меросини ўрганиш бўйича бир қатор қарор ва кўрсатмалар ҳамда тавсиялар берган бўлишларига қарамасдан, ҳар хил илмий лойиҳалар амалга оширилганига, илмий марказлар тузиш каби амалий ишлар қилинганига қарамасдан, халқимиз ҳалигача бу асар мазмунидан тўла хабардор эмас. Буюк аллома ва муҳаддиснинг мазкур тўплами тўлиқ равишда ўзбек тилига изоҳли шарҳлари билан таржима қилинган эмас эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сонли “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилиниб, Имом Термизий ва Термизий алломалар меросини ўрганиш бўйича бир қатор вазифа ва топшириқлар берилган эди. Бугунги кунга қадар мазкур Марказ томонидан бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Президентимиз томонларидан Абу Исо ат-Термизий илмий меросини ўрганиш бўйича алоҳида кўрсатмалар ҳамда тавсиялар берилиши натижасида ҳар хил илмий лойиҳалар амалга оширилгани, илмий марказ тузиш каби амалий ишлар қилингани оқибатида халқимиз бу асар мазмунидан тўла хабардорлик бахтига мушарраф бўлиш арафасида турибди — Имом Термизийнинг “Жомеъ ас-Сунан” номли тўпламининг ўн жилдлик илмий-изоҳли таржима ва шарҳининг дастлабки жилдлари тайёр бўлди.

Бу улуғ хизматни амалга оширишда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходимлари тарих фанлари номзоди, доцент Масъудхон Исмоилов, катта илмий ходим, тарих фанлари номзоди Ҳамидуллоҳ Аминов, илмий ходимлар Ҳикматуллоҳ Абиев ва Ботиржон Абдуллаевлар ўзларининг илмий салоҳиятлари ва таржимачиликдаги тажрибаларини ишга солдилар. Режалаштирилган мазкур кўп жилдлик илмий тадқиқотни кўздан кечириб, фикр-мулоҳаза билдиришлари учун таҳрир хайъати шакллантирилди.



Абу Исо ат-Термизийнинг “Жомеъ ас-Сунан” асарини ушбу шарҳи ота-боболаримиз минг йиллардан бери амал қилиб келаётган ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига мувофиқ шарҳланган ўзбек тилидаги дастлабки илмий ишдир. Ундаги ҳар бир ҳадис изоҳланар экан, ҳадисшунослик ва ҳадис илмидаги илмий мезонлар ва қонун-қоидаларга тўла амал қилинди. Ҳар бир ҳадис ҳанафийлик мазҳабига кўра кўриб чиқилди ва ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ таҳлил қилинди. Мазкур шарҳда ҳанафийларнинг оят ва ҳадислардан иборат далилларининг катта захираси ўрин олганлигини алоҳида қайд қилиш ўринлидир.

Абу Исо ат-Термизийнинг “Жомеъ ас-Сунан” асари шарҳи кўп жилдли қилиб тайёрланиши мақсад қилинган. Қарийб 300 бетлик муқаддимада ҳадис илми, унинг тарихи, ҳадиснинг шариатда тутган ўрни, ҳужжат қилиниши, уни ҳужжат деб билмайдиган тоифаларга раддия, ҳадис китобларининг турлари, ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг ҳадис илмида тутган ўрни, Абу Исо ат-Термизийнинг ҳаёти ва ижоди, у зотнинг “Жомеъ ас-Сунан” номли тўпламига битилган шарҳлар ҳақида батафсил илмий маълумотлар келтирилганлиги мазкур китобнинг илмий аҳамиятини оширган. Мазкур маълумотлар ҳадис илми тадқиқотчилари учун зарур қўлланма бўлиб қолиши шубҳасиз.

Китобдаги ҳар бир маълумотнинг қаердан олингани, қайси манбалардан истифода қилингани батафсил кўрсатиб ўтилганлиги бу шарҳнинг илмийлик даражасини янада зиёда қилган.

Гарчи асардаги ҳадислар таржимаси, унда қўлланган атама ва истилоҳларнинг кўплиги ўқувчига бир мунча оғирлик қилса-да, бироқ, асар илмий доирадаги мутахассислар, толиби илмлар, ҳадисшуносликка қизиқувчи, шу хилдаги асарларни ўқиб юрган ўқувчиларга битмас-туганмас маънавий бойлик бўлиб қолишини умид қиламиз.

“Жомеъ ас-Сунан” асари батафсил шарҳ қилинар экан, унда икки юзга яқин манбадан, жумладан, Ҳиндистон ва Покистон диёри уламоларининг китобларидан фойдаланилганини қайд этиш ўринли. Термизлик буюк муҳаддис бобокалонимизнинг мазкур тўпламига кўпроқ шу юрт уламолари шарҳ битганлигига “Жомеъ ас-Сунан” асари шарҳларига бағишланган бўлимда ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шу билан бирга, ҳанафий мазҳаби ва мотуридий ақидасига мувофиқ кўплаб шарҳлар мазкур диёр уламолари томонидан битилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз бўлади.

Ушбу шарҳда ҳадис матнлари тўлиқ таржима қилиниб, сўнг шарҳ ва изоҳлашга киришилди. Таржималарда ҳадисларнинг ровийлар силсиласи – санадлар тўлиқ берилди. Бу диний адабиётлар таржимашунослигида илк тажриба бўлгани боис ўқувчиларга ғализ туюлиши ҳам мумкин. Бироқ, санадлардаги “ҳаддасана” (“бизга ҳадис айтди”), “ахбарана” (“бизга хабар берди”), “..ъан” (“...дан ривоят қилинади”) каби сўзларнинг ҳадис илмида фарқи борлиги сабабли таржималарда ҳам шу хилда берилишига ҳаракат қилинди. Санаддаги ровийларни ўқувчиларга таништириб боришга катта аҳамият қаратилди. Чунки, ҳадиснинг ишончлилик даражаси, асосан, санаддаги ровийларнинг ҳолига боғлиқлиги ҳадис илмидан маълум.

Ҳадис матнлари шахр қилинар экан, ҳар бир сўз ва жумлаларга изоҳ бериб борилди. Ўқувчиларга айрим арабча матнларни ҳам таништириш мақсадида уларнинг кириллча ўқилиши ҳам берилган ўринлар мавжуд.

Таржима ва шарҳ жараёнида ҳадис илмидаги истилоҳ ва атамалар жуда кўп ишлатилди. Бу услубнинг илм толиблари ва мутахассисларга истилоҳ ва атамаларни қўллаш ва тушунишда фойдаси катта.



Марказий Осиё халқларининг минг йиллардан бери амал қилиб келаётган ханафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига мувофиқ – аҳли суннат ва жамоат таълимотига уйғун ҳолда таржима ва шарҳ қилинишига катта эътибор берилди. Шу билан бирга, бошқа мазҳабларнинг далиллари ва уларга жавоблар, ханафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига таъна қилувчи ва шубҳага қўювчиларга ҳам раддиялар ўз ўрнида бериб борилди.

Хуллас, буюк муҳаддис Абу Исо ат-Термизийнинг “Жомеъ ас-Сунан” – “Сунан ат-Термизий” асарининг кўп жилдлик шарҳи ўзбекча диний адабиётлар нашри жараёнидаги илк тажриба бўлишига қарамасдан, толиби илмлар ва мутахассислар учун фойдали ва манфаатли бўлишига ишонамиз.

Мазкур манбанинг илмий-изоҳли таржима ва шарҳининг нашр этилиши бугунги кундаги ўта долзарбдир. Чунки, Абу Исо ат-Термизийнинг “Жомеъ ас-Сунан” асари ушбу ўзбекча шарҳида ота-боболаримиз минг йиллардан бери амал қилиб келаётган ханафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига мувофиқ қилиб тайёрланишига катта эътибор қаратилган. Ундаги ҳар бир ҳадис изоҳланар экан, ҳадисшунослик ва ҳадис илмидаги илмий мезонлар ва қонун-қоидаларга тўла амал қилинган. Ҳар бир ҳадис ханафийлик мазҳабига қўра кўриб чиқилган, ханафийлик мазҳабига мувофиқ таҳлил қилинган.

Имом Термизий ўзларининг “Жомеъ ас-Сунан” асари ҳақида: “Жомеъ ас-Сунан”ни ёзиб тугатгач, ҳижоз, ироқ ва хуросон олимларига кўрсатганимда, улар уни мамнунлик ила бир овоздан маъқул топдилар. Кимнинг хонадонидан бу китоб, яъни “Жомеъ ас-Сунан” бўлса, гўёки унинг уйида Набий алайҳиссалом сўзлаётгандек бўлади”, деганлар. Бизнинг мақсадимиз ҳам ҳар бир юртдошимизнинг хонадонидан Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг сўзлаб, унга диндан насиҳат этиб туришларига муваффақ бўлишдир.

Нашр этилаётган мазкур ўзбекча шарҳдан намуна сифатида битта бобнинг ҳадислари шарҳини ушбу мақолада келтирамиз. Бу боб пайпоққа масх тортиш масаласи борасида бўлиб, айрим мазҳабни инкор қилувчилар ҳадисларни нотўғри тушуниб, пайпоққа масх тортиб кетаверадилар. Демак, мазкур масаланинг тўғри ечими ҳам ушбу шарҳимиздан ўрин олган бўлиб, уни сиз азиз ўқувчилар билан баҳам кўрамиз.

Хуллас, буюк муҳаддис Абу Исо ат-Термизийнинг “Жомеъ ас-Сунан” – “Сунан ат-Термизий” асарининг кўп жилдлик шарҳи ўзбекча диний адабиётлар нашри жараёнидаги илк тажриба бўлишига қарамасдан, толиби илмлар ва мутахассислар учун фойдали ва манфаатли бўлишига ишонамиз. Буюк муҳаддис юртдошимиз Абу Исо ат-Термизийнинг 3956 та ҳадислар шарҳини ўзида жамлаган мазкур ҳадис тўплами шарҳининг нашр этилиши юртдошларимиз, айниқса, илм-маърифатга чанқоқ ёшларимиз учун муносиб маънавий туҳфа бўлади.

Адабиётлар:

1. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн тож аш-Шариъа ал-Бухорий. Шарҳ ал-Викоя. – Ҳиндистон, 1844. – Б.23.
2. Бурҳониддин ал-Марғинович. Ал-Ҳидоя. 1-жилд. – Лакнау: Юсуфий, 1902. – Б.61.
3. Абдурраҳмон Шайхзода. Мажмаъ ал-анҳур. 1-жилд // ал-Мактабат аш-шомила, 2006. – Б.1/111.
4. Байҳақий, 1/1260 – 1263.
5. Ибн Можа, 1/560; Байҳақий, 1/1262 – 1263.
6. Табароний, 17/1061 – 1063.